

ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ САММИТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 январь куни Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин билан видеоконференция алоқасида учрашув ўтказди.

Ушбу саммитни ўтказиш тўғрисидаги келишув давлат раҳбарларининг ўтган йил октябрь ойидаги мулоқотлари давомида эришилган эди.

Музокаралар кун тартибидан Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва алоҳида стратегик шериклик ришталарини ривожлантириш ва мустақамлашнинг долзарб масалалари ўрин олди.

Давлат раҳбарлари тадбирни очиб, бир-бирларини самимий қутлар эканлар, ушбу саммит кибриб келган янги йилда иккала томон учун ҳам биринчи учрашув эканини қайд этдилар. Бу икки томонлама ҳамкорликда жуда юксак даражага эришилганидан яна бир бор далолат беради.

Таъкидланганидек, кўп қиррали Ўзбекистон-Корея муносабатлари, пандемияга қарамадан, изчил ривожланишда давом этди. Ўтган йили давлат раҳбарлари телефон орқали икки марта мулоқот қилдилар ҳамда Шимолий иқтисодий ҳамкорлик иккинчи халқаро форумида биргаликда иштирок этдилар.

Мураккаб шароитларда йирик инвестиция ва савдо лойиҳаларининг амалга оширилиши таъминланди, янги кооперация объектилари ишга туширилди. Жанубий корейлик шерикларнинг кўмаги ва иштирокида Тошкент шаҳрида ташкил этилган, минтақамиз учун ноёб бўлган замонавий болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази шулар жумласидан.

Ўзбекистон Президенти корейс томони янги коронавирус инфекциясига қарши курашиш борасидаги халқаро савдо-ҳаракатларга салмоқли ҳисса қўшаётганини юксак баҳолади ҳамда ушбу ҳафли касалликнинг олдини олиш, унга чалинганларни самарали даволаш ва реабилитация қилишда мамлакатимизга кўрсатилаёт-

ган катта амалий кўмак учун миннатдорчилик билдирди.

Давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатлар борасида сўз юритар эканлар, алоҳида стратегик шерикликни янада мустақамлаш ва ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш тарафдори эканликларини таъкидладилар.

Мунтазам сиёсий маслаҳатлашувларни давом эттириш ва парламентлараро алмашинувларни фаоллаштириш, мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишланган икки томонлама тадбирлар дастурини тайёрлаш юзасидан келишувларга эришилди.

Олий, касб-ҳунар ва мактабга-ча таълим, соғлиқни сақлаш, маданий мерос объектларини рақамлаштириш ва реставрация қилиш соҳаларидаги ҳамкорликнинг жорий ва истиқболли дастурлари кўриб чиқилди.

Президентлар Ўзбекистон худудларида Жанубий Корея етакчи университетларининг филиаллари ва кадрларни профессионал тайёрлаш бўйича кўшма мақсадлар сони ортиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар. Мамлакатларимизнинг етакчи олий таълим муассасаларида ўзбек ва корейс тилларини ўқитишни кенгайтиришга, шунингдек, корейс диаспорасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон ва Корея ҳукуматлари ва идоралари даражасида йўлга қўйилган самарали ишлар қайд этилди. Президентлар инвестиция лойиҳаларини илгари суриш ва юзага келадиган масалаларни тезкор ҳал қилиш мақсадида ушбу мулоқотлар давом эттириш топширигини бердилар.

Таъкидланганидек, жорий йилда жанубий корейлик ҳамкорлар иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида жами 400 миллион долларгача инвестицияларни ўзлаштириш кутилмоқда.

Бундан ташқари, юқори технологик соҳаларда, шу жумладан,

энергетика, нефть-газ, кимё ва нефть-кимё, фармацевтика, қайта ишлаш саноати, қишлоқ хўжалиги, инфратузилмани модернизация қилиш, транспорт ва логистика, туризм ва кўплаб бошқа тармоқларда қиймати жами 3,4 миллиард доллардан зиёд бўлган 55 та янги лойиҳа тайёрланмоқда.

Икки томонлама устувор дастурларни амалга оширишда Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш фонди (EDCF) ва Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан самарали шериклик олиб борилаётгани юксак баҳоланди.

Давлат раҳбарлари ўзаро савдо ҳажмини кўпайтириш муҳим эканини таъкидладилар. Кейинги йилларда товар айирбошлашда рекорд кўрсаткичларга эришилди.

Экспорт-импорт амалиётлари ўртасидаги номуносаббатликни текислаш ва уларнинг номенклатурасини диверсификация қилиш масалаларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш ҳажмини ошириш учун фитосанитария хизматларининг ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу мақсадда томонлар эркин савдо тўғрисидаги икки томонлама битимни имзолаш бўйича музокараларни бошладилар.

Президент Мун Чже Ин Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши масаласига ҳар томонлама кўмаклашишини яна бир бор таъкидлади.

Саммит чоғида глобал ва минтақавий аҳамиятга эга масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Томонлар БМТ ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида, шунингдек, юқори технологиялар, "яшил" ва рақамли иқтисодиёт соҳаларидаги дастурларни илгари суриш мақсадида "Корея Республикаси — Марказий Осиё" ҳамкорлик форуми доирасида яқиндан ҳамкорликни давом эттирадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Сеулнинг Корея ярим оролидаги вазиятини тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги савдо-ҳаракатларини доимо қўллаб-қув-

ватлашини таъкидлади. Томонларнинг минтақавий ўзаро боғлиқликни кучайтириш бўйича ташаббуслари юксак баҳоланди.

Давлат раҳбарлари экология соҳасидаги ҳамкорлик, шу жумладан, Оролбўйи минтақаси учун кўп шериклик асосидаги Траст фонди фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси кўриб чиқилди. Президент Мун Чже Ин Президент Шавкат Мирзиёевга ўзи учун қулай бўлган вақтда Корея Республикасига ташриф билан келиш тўғрисидаги таклифини тасдиқлади.

Саммит якунида "Тўртинчи саноат инқилоби"га кўмаклашиш мақсадида рақамлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида меморандум, EDCF билан ҳамкорлик бўйича уч йилга мўлжалланган 1 миллиард долларлик дастурни амалга ошириш бўйича битим, замонавий кўп тармоқли клиника ва лойиҳавий институт — Кимёвий технологиялар марказини қуриш лойиҳалари бўйича заём битимлари имзоланди.

Бундан ташқари, етакчи компаниялар даражасида мамлакатимиз энергетика инфратузилмасининг муҳим объектларини модернизация қилиш тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Давлат раҳбарлари ҳар доим-гидек очик, самимий, конструктив ва дўстона муҳитда ўтган саммит якунларидан мамнун эканликларини қайд этдилар.

Томонлар онлайн-музокаралар ўз вақтида ўтказилгани ва натижадорлиги жиҳатидан юзма-юз учрашувлар амалиётидан қолишмаганини таъкидладилар.

Президентлар дўстлик ва кенг қўламли шериклик алоқаларини мустақамлаш, биродар мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтаришда қатъий эканликларини яна бир бор таъкидладилар.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Интеллектуал мулк объектларини муҳофазა қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш мамлакатимизнинг жаҳон интеграциясидаги асосий омил эканлигидан келиб чиқиб, интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган талабларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. 2021 йил 1 апрелдан бошлаб:

интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро шартномалар нормаларидан келиб чиқиб, товар белгиси ва хизмат кўр-

сатиш белгисининг фақат тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилишига нисбатан қонунчиликдаги мавжуд **чекловлар бекор қилинсин;**

интеллектуал мулк объектларини давлат рўйхатига олиш муддатларини кескин қисқартириш имкониятларини яратувчи **тезор экспертиза тартиб жорий этилсин.** Бундан, интеллектуал мулк объектини муҳофазага олиш учун топширилаётган талабнома бўйича дастлабки қидирув томонларнинг келишувига мувофиқ амалга оширилиши назарда тутилади.

(Давоми 2-бетда) ►

Шарҳ

Инвестициявий низоларни судларда ҳал қилишнинг янги тартиблари жорий этилди

Муқаддам амалда бўлган қонунчилик талабига кўра, инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестиялар билан боғлиқ низолар туманлараро, туман ва шаҳар даражасидаги судлар томонидан ҳал қилинган эди. Бу ўринда фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судлар назарга тутилмоқда.



Биргина иқтисодий судларда 2017 йилда инвестиция фаолияти билан боғлиқ 576 та, 2018 йилда 609, 2019 йилда 647 та низолар ҳал этилган.

Ўтган йилда иқтисодий судларда чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари иштирокидаги қорхоналар билан боғлиқ 3 мингдан ортиқ низо ҳал этилган. Ушбу иқтисодий ишларнинг деярли ярми Тошкент шаҳар иқтисодий судида

кўриб чиқилган. Иқтисодиётда инвестицияларнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Шунга қарамай, инвестициявий низоларни ҳал қилишда мамлакатимизда кулай инвестиция муҳити шаклланишига салбий таъсир кўрсатадиган ҳар хил ёндашув ва сансалорликларга йўл қўйиш ҳолатлари кузатилаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

(Давоми 3-бетда) ►

Маълумки, олди-сотди шартномаси хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларни расмийлаштиришнинг энг муҳим ва асосий ҳуқуқий воситаларидан бири ҳисобланади. Айни вақтда, у фуқаролар томонидан кундалик турмушда ҳам энг кўп қўлланиладиган шартнома сифатида эътироф этилади.

Қонунчилик янгиликлари

Автомобилларнинг воситалари олди-сотдиси нотариал тасдиқланмайди!

бу янги таҳрирдаги Фуқаролик кодексига асосан



Ушбу шартнома жамиятда иқтисодий муносабатларни ташкиллаштириш ва ҳаракатга келтириш воситасидир. У товар-пул муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш шакли сифатида амал қилади. Кейинги йилларда фуқароларнинг иқтисодий фаолиги ошиши ва тадбиркорлик фаолияти ривожланиши туфайли олди-сотди муносабатларининг турли шакллари кўпайиб кўламли кенгайиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда) ►

Анжуман

Юридик фанлар ривожини муаммо ва истиқболлар

Жорий йил 19 январь куни мустақил юртимиз тарихида илк бор Ўзбекистон Республикасида юридик фанларни ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши ўтказилди. Мазкур йиғилиш Ўзбекистон Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институтининг томонидан "Zoom" онлайн платформасида ташкил этилди.

Маълумки, Президентимизнинг 2020 йил 29 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимида Давлат ва ҳуқуқ институтининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан Ўзбекистон Фанлар академияси Президиуми Ўзбекистон Республикасида юридик фанларни ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган эди.

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг биринчи йиғилишида Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этилган ҳамда "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили" деб аталган 2021 йилда ҳуқуқий ислохотларни самарали амалга оширишда фаол иштирок этиш истиқболлари кўриб чиқилди. Давлат, ҳуқуқ ва сиёсий-ҳуқуқий таълим соҳасида фанлараро фундаментал илмий тадқиқотларни режалаштириш, Давлат ва ҳуқуқ институтининг ҳамда Мувофиқлаштирувчи кенгаш олдида турган устувор масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Йиғилишда Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси, академик А.Саидов, Давлат ва ҳуқуқ институтининг директори А.Тўлаев, профессорлар Ж.Тошқулов, Р.Ҳақимов, О.Оқйўлов, Ф.Отахонов, М.Рустамбоев, М.Тиллабоев, шунингдек, юридик соҳада фаолият юритувчи 70 дан ортиқ таниқли олим ва етуқ амалиётчи мутахассислар иштирок этди. Қўйилган улардан айримларининг фикрлари билан танишасиз.



А. САИДОВ,
Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси, академик:

— Давлатимиз раҳбари юридик таълим ва фанни ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган шиддатли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-иқтисодий таъминлаш, кейинги истиқболларини белгилашнинг ҳал қилувчи омилларидан эканини доим таъкидлаб келмоқда. Зеро, давлатчиликнинг бош мезони қонун устуворлигидир.

(Давоми 3-бетда) ►

Ислохотларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан уларнинг ҳуқуқий асослари нечоғлиқ мукамал эканига боғлиқ. Шу боис, қонунлар, фармон ва қарорлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ва аҳолига халқчил тилда етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан 2018 йилда қабул қилинган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси асосида қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларни аҳолига етказишни назарда тутовчи принципаал янги тизим жорий этилмоқда.

Муносабат

Ислохотлар самарадорлиги уларнинг ҳуқуқий асослари нечоғлиқ мукамал эканига боғлиқ

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясида жараёнга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш устувор вази-фалардан бири этиб белгиланган эди. Шу мақсадда 2019 йилнинг 1 январь куни интернет жаҳон ахборот тармоғида пилот лойиҳа сифатида Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишининг ягона электрон тизими — "projekt.gov.uz" синов тари-

қасида ишга туширилди. Бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш мақсадида 20 дан ортиқ илғор мамлакатлар, хусусан, Германия, Туркия, Жанубий Корея, Япония тажрибаси ўрганилди. Уларнинг юқори даражадаги ахборот-коммуникация технологиялари келтирилди.

Ҳуқуқимизнинг 2019 йил 8 апрелдаги қарорига асосан барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ягона электрон тизимида келишилмоқда.

(Давоми 2-бетда) ►

Муносабат

Ислоҳотлар самарадорлиги уларнинг ҳуқуқий асослари нечоғлиқ муқаммал эканига боғлиқ

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Ўтган давр мобайнида вазирилик ва идоралар, маҳаллий ижро органларининг 2 минг 500 нафарга яқин ходими (улардан 600 нафарга яқини раҳбар ходимлар) Ягона электрон тизимга электрон рақамли имзо орқали уланди. Илгари биргина норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишида ташкилий ишларни бажариш учун бир неча ҳафта ёки ойлар талаб этилган. Бугунги кунда бундай ишлар ягона тизим орқали тезкорлик билан амалга оширилмоқда.

Миллий база — lex.uzда қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжудлигини биласизми?

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси тизими — lex.uz мамлакатимизда 2000 йилда жорий этилган. 2007 йилда расмий ишга туширилган, 2016 йилда Миллий базага қонун ҳужжатлари эълон қилинадиган расмий манба мақоми берилди. Илгари Миллий базани шакллантириш, ҳужжатларга юридик ишлов бериш, айрим ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни базада расмий эълон қилиш мuddатлари бузилар эди. Бунинг асосий сабаби келиб тушаётган қонуности ҳужжатларининг баъзиларида орфографик, стилистик хатолар, давлат ва бошқа тиллардаги матнларнинг бир-бирига зиддиятли жиҳатлари мавжудлигида эди. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясида Миллий базани тўлиқ модернизация қилиш белгиланди. Хусусан, Адлия вазирлиги томонидан Миллий базани 2019-2020 йилларда ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжатда Миллий базани ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, техник мустаҳкамлаш истиқболлари белгилаб берилди.

Бу ишлар ўз самарасини узоқ куттириб қўймади. Қисқа фурсат ичида Миллий базанинг 21 та қонунчилик соҳалари каталоглари шакллантирилди. Қабул қилинган қонун ҳужжатлари доимий тарзда Миллий базага бир иш кунда киритилмоқда. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига жойлаштирилган ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги ҳаволаки нормалар, шарҳлар тақдим этиб берилмоқда. Ҳаволаки нормалар ва шарҳлар уларнинг долзарблиги, қонунчиликдаги ўзгаришлар, шунингдек, янги ҳужжатларнинг акс этиши асосида янгиланб берилмоқда. Хусусан, Жиноят кодекси, Ер кодекси, Оила кодекси, шунингдек, янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар бутунлай янгиланди.

Хар йили ўртача мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Ҳозирги пайтда Миллий базада 30 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, улар инглиз тилига таржима қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Туризм тўғрисида"ги ва "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг инглиз тилидаги таржимаси жойланди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига жойлаштирилган ҳужжатларнинг лотин алифбосидаги матнларини ҳам базага кириштириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирда 25 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лотин алифбосида эълон қилинди.

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича парламент муҳокамалари жараёнининг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш мақсадида бир неча самарали механизмлар жорий этилди. Эндиликда қонун лойиҳалари матнлари ва уларга доир таҳлилий материаллар ҳар бир ўқишдан кейин парламентнинг веб-ресурсларида тезкор эълон қилиб берилмоқда. Бундан ташқари, реал вақт режимида тақлифлар ҳамда мулоҳазаларни йўллаш имкониятини жорий этган

ҳолда мазкур жараёнларни оммавий ахборот воситалари, шунингдек, парламентнинг веб-ресурсларида онлайн трансляция қилиш ҳам амалиётга татбиқ этилмоқда.

Мазкур янгича ёндашувларни жорий қилишнинг туб негизида норма ижодкорлиги жараёнига кенг омма вакилларини жалб қилиш ва ҳалқчил қонунларни тайёрлаш каби муҳим мақсадлар ётибди. Энг аввало, ижтимоий муносабатларни тартибга солишда барқарорликка эришиш учун тақомилга етган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишнинг ўзи камлик қилади. Қабул қилинаётган ҳужжатлар ва уларга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида оддий тилда тушунтиришлар бериш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросида вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олади. Қолаверса, бундай ёндашув аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

"Томошабин бундай муҳим ҳужжатларни қандай қабул қиляпти, қай даражада англамоқда, тушуномқда?!" деган саволлар очик қоларди...

Ҳаммамизнинг ёдимизда: яқин-яқингача телеканалларимизда янги қабул қилинган қонунлар, Президентнинг фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари суҳандон томонидан ўқиб берилар ҳамда шу билан чекланиларди. Лекин "Томошабин бундай муҳим ҳужжатларни қандай қабул қиляпти, қай даражада англамоқда, тушуномқда?!" деган саволлар очик қоларди. Маълумки, расмий услубдаги матнни узоқ вақт давомида тинглаш инсон миясини зўриқишга олиб келиши мумкин. Бу табибий физиологик жараён.

Тушуниш қийин бўлган юридик терминлар, мураккаб конструкциялар баъзан малакали ҳуқуқшунослар доирасида ҳам қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлади. Хар қандай медиамаҳсулот, аввало, одамлар руҳияти, психологияси, ҳиссиётларига таъсир этиши лозим. Шундай экан, қабул қилинаётган хар бир ҳуқуқий ҳужжатни кенг оммага эълон қилиш ва шарҳини тайёрлашда нейробиологик омилларга, компьютер графикасига, инфографик тасвирларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги кунда қабул қилинаётган ҳужжатлар моҳиятини халққа етказишда ҳаётий мисоллар, кундалик турмушимиздаги жараёнлар, ҳолатлар, тенденциялар қўлланилмоқда. Инсонлар тақдири ва фаолияти орқали, соҳа мутахассислари фикрини инобатга олиб, оддий, ammo матн мазмунини бойитадиган медиа шакллардан фойдаланишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бинобарин, хар қандай қонун, фармон ёки қарорнинг амалиётга тўғри жорий қилиниб, самарали ишлаши ҳамда ижро этилишида мана шундай ноанъанавий ва ўзига хос тарғибот усуллари нияҳотда муҳим ўрин тутди. Замонавий тарғибот усуллари қонунларнинг самарали ижросини таъминловчи куч сифатида миллий парламентимиз фаолиятида ҳам намойён бўлмоқда. Моҳиятни етказиш қанчалик самарали бўлса, амалда вазибаларни бажариш ҳамда шу йўлда жамиятни сафарбар қилиш шунча осон кечади.

Бу борадаги телешарҳлар, медиаматериаллар "қотиб қолган" муайян қарашларни йўққа чиқариб, ўз кутилган натижасини бераётгани телетомошабинлар, умуман, кенг аудитория томонидан билдирилаётган ижобий фикрлар мисолида ўрганиб берилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ҳалқимизнинг фаровонлигини таъминлаш учун барча соҳада юритилаётган туб ислоҳотлар такомиллаштириш бораётган норма ижодкорлиги фаолиятида ҳам акс этмоқда. Қонунчилик тарғиботида янгича ёндашувлар, медиатеҳнологиялар ва ҳаётий мисоллар ҳужжатлар моҳиятини аниқ ва лўнда тушунтириш учун хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Валишер ДАВЛЯТОВ,
Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти бўлим бошлиғи.
ЎЗА

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Интеллектуал мулк агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) фаолиятида интеллектуал мулк объектларига талабномаларни давлат экспертизасидан ўтказиш жараёнида **аутсорсинг усуллари**ни қўллаш тажрибаси йўлга қўйилсин.

3. Куйидагилар:

Интеллектуал мулк муҳофазасини мустаҳкамлаш ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича "Йўл харитаси" 1-иловага мувофиқ;
Интеллектуал мулк (ихтиро, фойдали модель, саноят намунаси, селекция ютуқлари) соҳасини ривожлантириш бўйича 2021-2023 йилларга мўлжалланган амалий ишлар дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар, маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг биринчи раҳбарлари зиммасига "Йўл харитаси" ва дастурда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

2025 йил 1 январга қадар миллий экспорт қилувчилар томонидан чет элда товар келиб чиққан **жой номлари (географик кўрсаткичларни рўйхатга олиш бўйича қилинадиган сарф-харажатлари** Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тўлиқ қопланади;

2021 йил 1 июнга қадар давлат тадбирлари органлари ва давлат корхоналари, илмий-тадқиқот ва олий таълим ташкилотлари ўзларига тегишли бўлган **интеллектуал мулк (муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар ва саноят мулки) объектларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларни бугалтерия ҳисобида акс эттиради;**

экспорт улуши умумий товар айланмасининг **60 фоизидан ортигини ташкил этадиган экспорт қилувчи,** шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва хунармандчилик соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари учун товар белгиларини 2021-2022 йилларда **миллий рўйхатдан ўтказиш бепул** амалга оширилади;

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини ҳам давлат рўйхатидан ўтказиш тарғиб қилинади;

Савдо-саноят палатаси ва Агентлик томонидан йилига камида бир марта республиканинг хар бир маъмурий бирликларида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этаётган шахслар учун ўз брендига эга бўлишнинг афзаллиги бўйича Ўзбекистон ва халқаро миқёсда тан олинган миллий брендлар эгалари бўлган ишбилармонларнинг иштирокида миллий анжуманлар ва мастер-класслар ўтказилади.

5. Агентлик ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг **2021 йил 1 октябрга қадар** давлат бошқаруви органлари, давлат корхоналари, илмий-тадқиқот ва олий таълим ташкилотлари ўзига тегишли бўлган интеллектуал мулк объектлари ҳисобини тўғри юритиш, уларга бўлган ҳуқуқларни хўжалик муомаласига кириштириш, илмий фаолият натижаларини тижоратлаштирилишига кўмаклашишга қаратилган

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Насияга ёки кредитга сотиш ва олиш, товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш, қайта сотиш олиш шарти билан сотиш-сингари муносабат шакллари шулар жумласидандир.

Бу соҳадаги шартномавий муносабатлар ҳам сотувчи, ҳам харидорлар манфаатларига мос келади. Масалан, молиявий жиҳатдан қийналиб турган тадбиркор насияга олган товар ҳақини кейинчалик бирваракайига ёки маълум бир даврийликда бўлиб-бўлиб тўлаш йўли билан ихтиёрида қолган маблағни ўз бизнесини ривожлантиришга йўналтириши мумкин.

Ўшбу фикр маиший техника ёки бошқа товарларни насияга тасарруф қилувчи истеъмолчилар учун ҳам ўринлидир. Айни пайтда, сотувчи бу усул билан қўшимча миқдорларни жалб қилиши ёки талаб суств бўлган ҳолатларда, масалан, карантин шароитларида ўз фаолиятининг тўхтаб

Агентлик ҳузуридаги **"Патент платформаси"**ни ишга тушириш бўйича тақлифга розилик берилсин.

Белгилансинки:

мазкур платформада ихтиролар, фойдали моделлар, саноят намуналари, селекция ютуқлари, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товар келиб чиққан жой номлари муҳофаза ҳужжатларига оид маълумотлар батафсил акс эттирилади;

платформа электрон шаклда реал вақт режимида юритилади ҳамда унга тадбиркорлик субъектлари **ихтиёрий ва бепул асосда** киритилади.

6. Белгилансинки:

энг яхши интеллектуал мулк объектлари яратувчиларини Агентлик томонидан **Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг махсус муқофотларига тақдим этиш бўйича тавсиялар киритилади;**

"Энг яхши интеллектуал мулк объекти" **танлови Агентлик томонидан бир йилда бир марта танқиллаштирилади;**

"Энг яхши интеллектуал мулк объекти" танлови голибларига (учта) Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг **30, 25, 20 баравари** миққорда пул муқофотлари топирилади.

7. Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Агентликнинг интеллектуал мулк соҳасига оид фанларни кадрлар тайёрлаш тизимига, жумладан, республика таълим ташкилотлари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларида босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги тақлиф қўллаб-қувватланади.

Белгилансинки, интеллектуал мулк соҳасига оид фанларни кадрлар тайёрлаш тизимига жорий этишнинг биринчи босқичида, 2021/2022 ўқув йиллидан бошлаб олий таълим ташкилотларида, хусусан, ишлаб чиқариш ва техник, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларидаги таълим йўналишларида илғор хорижий тажриба асосида ҳамда ёш авлод орасида ижодкорларнинг меҳнатига бўлган ҳурмат ҳиссини шакллантиришга қаратилган интеллектуал мулк фанлари жорий этилади ва улар бўйича ўтказиладиган машғулотларда соҳада фаолият олиб боровчи амалиётчилар иштирок этиши таъминланади.

8. Инновацион ривожланиш вазирлиги зиммасига илмий-тадқиқот ва олий таълим ташкилотларини интеллектуал мулк масаласида иқтисодиёт тармоқлари (енгил саноят, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар) билан боғлашни таъминлаш вазифаси юклатилинган.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ва виночиликни ривожлантириш агентлиги, Савдо-саноят палатаси, "Ўзтўқимачиликаноат" уюшмаси, "Хунарманд" уюшмаси ва "Навоийазот" АЖ 100 та "маҳаллий бренд"ларни халқаро рўйхатга олишни ташкил этсин.

10. Савдо-саноят палатаси хар бир ҳудудда йилига камида тўрт марта франшизалар ярмаркаси ва кўрғазмаларини ташкил этсин.

11. Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги илмий-тадқиқот муассасалари ва олий таълим ташкилотларида интеллектуал мулк соҳасида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

амалга оширилган ишлар юзасидан йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига мунтазам равишда ҳисобот бериш тартиби йўлга қўйилсин.

12. Олий суд, Адлия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш кўмитаси икки ой муддатда халқаро экспертларни жалб қилиб, судьяларни интеллектуал мулк соҳасида ўқитиш дастурини ишлаб чиқиб, йил якунига қадар судьяларни ўқитиш тизимини йўлга қўйсин.

Бунда, халқаро ташкилотлари кўмаги остида интеллектуал мулк соҳасидаги низолабори кўриб чиқувчи судьялар учун чуқурлаштирилган ўқув дастури ташкил этилишига алоҳида урғу берилсин.

13. Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ва амалга оширилаётган ишларнинг манзиллигини таъминлашни кўзлаб, адлия органлари ва муассасалари бошқарув ходимларининг чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ҳудудий адлия бошқармаларининг **11 та** ва туман (шаҳар) адлия бўлимларининг **17 та** штат бирликларини оптималлаштириш ҳисобига Агентликнинг тузилмасида:

Интеллектуал мулк ҳуқуқлариغا ривож этилишини мониторинг қилиш бўлими негизида **Интеллектуал мулк ҳимояси бошқармаси** (кейинги ўринларда — Бошқарма);

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Интеллектуал мулк ҳимояси марказлари** (кейинги ўринларда — марказлар) ташкил этилсин.

Бунда, адлия органларининг ўтказилаётган **28 та** штат бирликларидан **3 таси** — Бошқармани, **25 таси** — марказларни тўлдиритиш учун йўналтирилади.

14. Белгилаб қўйилсинки:

Бошқарма марказлар фаолиятига ташкилий ва методик жиҳатдан раҳбарлик қилади;

марказлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари биноларида текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади;

марказларга ишга қабул қилинадиган ходимлар, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказида интеллектуал мулк ва уни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг назарий ва амалий масалаларига оид ўқув дастурлари бўйича таълим оладилар.

15. Марказларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин: контрафакт махсулотларни ишлаб чиқариш ва уларнинг муомаласига, шунингдек, интеллектуал мулк ҳуқуқларининг бузилишига қарши тизимли ва самарали курашишда бевосита иштирок этиш, хусусан, **огоҳлантирув ва тақдимномалар киритиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомаларни тузиш;**

жойларда интеллектуал мулк объектларининг давлат рўйхатидан ўтказилиши билан боғлиқ фаолиятга кўмаклашиш;

интеллектуал мулк соҳасидаги

Ўзбекистон Республикаси Президентини

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 28 январь

Қонунчилик янгиликлари

Автомобил транспорт воситалари

чи нормалар қайта кўриб чиқилди.

Мисол учун амалдаги Фуқаролик кодексининг 386-моддаси 4-қисмига мувофиқ, автомобил транспорт воситаларининг олди-сотди шартномаси нотариал тасдиқлангани шарт.

Ҳозирги вақтда фуқаролар ўзлари сотиб олган автомобил транспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек, давлат рақамлари олиш учун нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномаси тақдим этиши талаб этилади. Шартномани нотариал тасдиқлаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 фоизи миқдориди давлат божи тўланади.

Бир қатор ривожланган хорижий давлатларда кўчар

ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш; жамиятда интеллектуал мулкка нисбатан ҳуқуқий маданиятни ошириш ва ҳурмат ҳиссини шакллантириш мақсадида интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг оммага етказиш.

16. Агентлик икки ой муддатда марказларни юқори малакали кадрлар билан, биринчи навбатда, амалий тажрибага эга ҳамда зиммасига юклатилган вазибаларни лозим даражада бажаришга қодир шахслар орасидан **очик танлов асосида** Агентлик томонидан белгиланадиган тартибда тўлдирилишини ҳамда марказлар тўғрисидаги низолабор ишлаб чиқишлишини таъминласин.

17. Мазкур қарор ижросини таъминлаш билан боғлиқ бюджет харажатлари 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Адлия вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида белгилансин, 2022 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилсин.

18. Агентликка ўзининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан:

марказлар моддий-техник базасини шакллантириш, шу жумладан, компьютер ва нусха кўчириш техникаси, алоқа воситалари, мебель сотиб олиш;

давлат экспертизасини амалга оширишга миллий, халқаро ва хорижий илмий-тадқиқот, олий таълим ва экспортлик ташкилотларини ҳамда юқори малакали **соҳа мутахассислари ва экспертларини шартнома асосида жалб этиш;**

Агентлик ҳузуридаги **"Патент платформаси"**ни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича сарф-харажатларни амалга ошириш **ҳуқуқи берилсин.**

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгариштириш ва қўшимчалар киритилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариштириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

21. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ҳамда шахсий жавобгар этиб адлия вазирлиги Р.Қ.Давлетов белгилансин.

Қарор ижросини хар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирли А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Вазирлар Маҳкамасига хар ярим йил якуни бўйича ахборот киритиб борилсин.

мулк, жумладан, автомобил транспорт воситалари билан боғлиқ шартномалар нотариал тасдиқланмайди. Аҳолига қулайлик яратиш, уларнинг шартнома тузиш эркинликларини кенгайтириш мақсадида Фуқаролик кодексининг янги таҳририда автомобил транспорт воситалари олди-сотди шартномаларини нотариал тасдиқлаш ҳақидаги норма чиқариб ташланмоқда. Бундай тартиб фуқароларнинг вақти ва маблағлари тежалишига хизмат қилади.

Маълумки, қонун ҳужжатларида ҳуқуқий бўлиқлар мавжудлиги ҳуқуқни қўллаш амалиётига салбий таъсир кўрсатиб, айрим ҳолларда тегишли нормалар таъсирини бутунлай йўққа чиқариши мумкин.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Президентимиз Олий Мажлис ва халққа навбатдаги Мурожаатномасида ҳам адолат давлатчилигининг мустахкам пойдевори экани, ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш, қонун устуворлигини таъминлаш борасида дадил қадамлар қўйилгани ҳамда юридик соҳада амалга оширилаётган ислохотлар изчил давом эттирилиши ҳақида алоҳида тўхталди.

Чунки ҳар бир давлат ўз тараққиёт йўлини белгилар экан, халқ эрки ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган қонунларнинг мукамал бўлишини энг аввалги ўринга қўяди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасида юридик фанларни ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг вазифалари, яъни юристларнинг мазкур соҳага қўшадиган ҳиссаси нимадан иборат бўлмоғи керак, деган савол туғилиши табиий.

Авалло, Ўзбекистон Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади.

У доимий равишда фаолият юритадиган, муҳокама қилувчи, маслаҳат берувчи ва мувофиқлаштирувчи орган бўлиб, илмий тадқиқотларни педогогик кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш, илмий тадқиқотларнинг асосий йўналишларини шакллантириш ва амалга оширишнинг долзарб муаммолари бўйича тавсиялар берувчи ҳамда тадқиқот мавзуларини ишлаб чиқишга мўлжалланган органдир.

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг вазифаларига, жумладан, Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги Давлат ва ҳуқуқ институти илмий тадқиқотларининг асосий йўналишларини шакллантириш ва амалга оширишнинг долзарб муаммолари бўйича тадқиқот мавзуларини ишлаб чиқиш ва ташкил этишда ҳар томонлама ёрдам бериш;

қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, илмий-тадқиқот ишлари режаларининг экспертизасини ўтказиш;

жамият учун долзарб илмий-ҳуқуқий муаммоларни муҳокама қилиш ва тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган республика ва жаҳон миқёсидаги илмий тадбирлар, хусусан, конференциялар, симпозиумлар, семинарлар ўтказиш лойиҳасига тақлиф бериш;

юридик ва бошқа тугат соҳаларда илмий-тадқиқотларни амалга оширувчи олимлар, изланувчилар, аспирантлар ва докторантларни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш каби ишлар қиради.

Ҳозирги кунда диққат марказида турган бирламчи вазифаларимиз нималардан иборат?

Биринчидан: Давлат ва ҳуқуқ институти бўлимлари, секторлари ва бошқа илмий тузилмаларининг илмий фаолияти билан боғлиқ инновацион йўналишларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

Иккинчидан: илмий ишланмаларни давлат органлари, нодавлат ташкилотлари амалиётга, шунингдек, юридик олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида татбиқ этишга қўмаклашиш;

Учинчидан: ривожланган хорижий давлатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасалари билан ҳамкорликни, қўшма ҳуқуқий тадқиқотларни, профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўзаро алмашинувини фойдалаштириш;

Тўртинчидан: давлат ва ҳуқуқ соҳасида илмий ва инновацион тадқиқотлар йўналиши ва рўйхатини шакллантириш;

Бешинчидан: олий таълим ва илмий муассасаларга кадрлар тайёрлашга юридик соҳада чоп этилаётган адабиётлар ва дарсликлар билан қўмаклашиш тақозо этилади.

Кенгашнинг навбатдаги йиғилишида янги нашр сифатида чоп этилган "Конституциявий ҳуқуқ" фанидан дарслик муноҳама қилиниши ҳам режалаштирилган.

Юридик фанларни ривожлантириш бўйича турли йўналишдаги муаммоларни барта-раф этиш ва ушбу соҳани илмий тадқиқ қилиш натижалари институт томонидан таъсис этилаётган "Давлат ва ҳуқуқ" журналининг босма ва электрон шаклларида (веб-сайтда) эълон қилиб борилади.

аҳмиятга эга. Давлат ва ҳуқуқ институти жамоаси Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари билан биргаликдаги ҳаракатлар, самарали мулоқотлар, эътиборга лойиқ тақлиф ва тавсияларни кутиб қолади.



Ж. ТОШҚУЛОВ — юридик фанлар доктори, профессор: — Юридик таълимда ўқув жараёнларини янада такомиллаштириш, унинг сифатини ошириш ва моддий-техник базани мустахкамлаш, давлат ва ҳуқуқ назарияси, давлат ва ҳуқуқ тарихи ҳамда сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихини ўрганиш, ўқитиш, тадқиқ қилиш борасида қатор муаммолар мавжуд экани сир эмас. Демак, мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш баробарида, миллий давлатчилик тарихи-

таҳлил ва тадқиқ этиш асосида асослантирилган илмий ҳуқуқларни тақдим этиш — миллий юридик фандаги катта бўшлиқни тўлдириб беришдир. Фикримизча, ушбу институт шугулланадиган масалалар ичида ҳозирги замон ҳуқуқининг ривожланиш тенденциялари, миллий ҳуқуқ тизимининг ривожланиш йўналишлари, унинг Европа ҳуқуқи билан ўзаро муносабати, рақамлашув жараёнининг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнига кириб келиши каби масалалар ҳам, албатта, ўз ифодасини топади.



М. РУСТАМБОВ — юридик фанлар доктори, профессор: — Ҳозирда миллий юридик

лар юзасидан янги Институтнинг ҳам илмий асосланган ҳуқуқларини олиш амалиётини жорий қилиш аниқ мудоаодир. Қонун лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳлар фаолиятида ушбу институт олимларининг иштирокини таъминлаш муҳим, деган фикр-даман.



Ж. КОЛМУМИНОВ — Термиз давлат университетининг юридик факультети декани, юридик фанлар доктори, профессор:

— Юридик кадрларни тайёрлаш соҳасида рақобатнинг мавжуд эмаслиги ҳудудлардаги иқтисодий ёшлар учун тенг таълим олиш имкониятларини чекламоқда. Шу маънода, Давлат ва ҳуқуқ институтига миллий юридик таълим рақобатбардошлигини ошириш, ҳуқуқшунослик йўналишида фаолият юритадиган илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларига бериладиган имтиёزلардан фойдаланиш механизmlарини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда иштирок этиш имкони берилганлиги диққатга сазовор.

Биз Давлат ва ҳуқуқ институти билан самарали ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзолаш, грантларга ҳудудларда фаолият юритаётган олимларни ҳам жалб этиш, давлат учун муҳим бошқа бир қатор мавзуларни тадқиқ этиш борасида илмий-амалий ҳамкорликни йўлга қўймоқчимиз.



Б. ТАЛАПОВ — Наманган давлат университетининг юридик факультети декани, тарих фанлари номзоди:

— Давлат ва ҳуқуқ институтининг ташкил этилгани нафақат ҳуқуқ соҳасидаги олимларни, балки барча ҳуқуқшуносларни бирлаштиришга хизмат қилади. Шу маънода, институт соҳа бўйича ишлаётган педагогларга тегишли йўналиш бериши, юридик фанлар ўқи-тиладиган олий таълим мусса-саларида ҳам долзарб ҳуқуқий тадқиқотларни амалга оширишга қўмақдош бўлиши лозим.

Биз Давлат ва ҳуқуқ институти билан биргаликда илмий анжуманлар ташкил қилиш, жамоавий ва индивидуал монографияларни яратишни ҳам келишиб олдик.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида Давлат ва ҳуқуқ институти ҳамда давлат, нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Кун тартибидagi масалалар бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ғулум Мирзо тайёрлади.

Шарҳ

Инвестициявий низоларни судларда ҳал қилишнинг янги тартиблари жорий этилди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 июлда қабул қилинган "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида фуқароларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқини амалда таъминлаш билан боғлиқ долзарб муаммоларга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Бу ўринда, хусусан, судларда инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ўз вақтида ва самарали ҳимоя қилиш масаласи ҳақида сўз бормоқда.

Шу мақсадда 2021 йил 12 январда "Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Қонун билан Иқтисодий процессуал кодексига иқтисодий соҳасида инвесторлар ҳамда давлат органлари ўртасидаги инвестициявий шартномалардан келиб чиқадиган низолар бўйича ва рақобатга оид ишларни тааллуқлилиги ва тегишлилигига оид нормалар киритилди. Жумладан, йирик инвестор ва рақобатга оид ишлар бўйича тарафларнинг хоҳишига кўра, ушбу тоифадаги ишлар Олий суднинг инвестициявий низо-ларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича судлов таркиби билан бирга, Иқтисодий процессуал кодексига янги 301-модда киритилди.

Унга кўра, инвестициявий низо-лар бўйича ишлар жумласига: ● инвестиция шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ низолар; ● инвестиция шартномаларини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги низолар; ● инвестиция шартномасининг бажарилиши билан боғлиқ низолар; ● инвестиция шартномасидан келиб чиқадиган солиқ, божхона, ижтимоий, экологик ва бошқа мажбуриятларнинг инвестор томонидан бажарилиши билан боғлиқ низолар; ● инвестиция шартномаси бўйича инвесторга берилган мол-мулкни талаб қилиб



олиш ёки бундай шартнома бўйича неустойка ундириш ва (ёки) зарарлар ўрнини қоплаш тўғрисидаги низолар қиради.

Бундан ташқари ушбу кодекс яна 302-модда билан тўлдирилди. Мазкур янги модда юридик шахслар, шу жумладан, чет эл юридик шахслари, ҳўжалик бошқаруви органлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда монополияга қарши органлар ўртасида товар ва молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган низолар рақобатга оид ишлар жумласига кириши ҳақидаги нормалардан иборат.

Президентимизнинг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатнома сиёсий тарихий аҳамиятга эга бўлиб, аниқ соҳадаги ислохотларни ҳам янада чуқурлаштиришга хизмат қилади. Мурожаатномада таъкидланганидек, бу борадаги муҳим янгилик — инвесторлар ҳуқуқларини муносиб ҳимоя қилиш муносабатида Олий судда инвестициявий низолар ва рақобатга оид ишларни кўриш бўйича махсус судлов таркиби ташкил этилганлиги бўлди.

Олий судда инвестициявий низолар бўйича махсус судлов таркибининг ташкил этилиши, ушбу тоифадаги ишлар бўйича алоҳида судловлик қондаларининг белгиланиши инвесторларнинг низоларни ҳал қилиш учун турли суд инстанциялари ўртасида сарсон бўлишининг олдини олади. Уларнинг муаммолари битта судда ҳал қилинишини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, аниқ вақтда соҳада амалга оширилаётган шиддатли ислохотларнинг асл моҳияти инвестициявий муҳитнинг жозибадорлигини янада ошириш, иқтисодийнинг ривожлантириш ҳамда шу орқали халқ фаровонлигига эришишдир.

Инвесторлар, шу жумладан, чет эл инвесторларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг суд орқали ҳимоя қилиш механизмининг такомиллашиши эса, инвестициявий низолар тез ва самарали ҳал қилинишига, ягона суд амалиёти таъминланишига қўмаклашади.

Сарвар СОЛИЕВ,
Тошкент туманлараро иқтисодий судининг раиси

Анжуман

Юридик фанлар ривожини: муаммо ва истиқболлар



А. ТўЛАГАНОВ — Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси ўринбосари, юридик фанлар доктори:

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган институти билан самарали ҳуқуқий тадқиқотлар олиб бориш ишларини такомиллаштириш, мамлакатимизнинг ҳуқуқий соҳадаги истиқболларини белгилаш, юридик соҳадаги илмий ишланмаларнинг самарали равишда амалиётга жорий этишда етакчи бўлиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз тараққиётининг Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлик қиладиган янги босқичда ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этадиган сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, ҳуқуқий ислохотлар, давлат ва конституциявий тизимда изчил ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Давлат ва ҳуқуқ институтининг ташкил этилгани ҳам мазкур тизимли ишларнинг манткий давомидир.

Ўзбекистон Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти давлатчилик асосларини такомиллаштириш, ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва сиёсий-ҳуқуқий таълимотларни тарғиб қилиш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширадиган илмий муассаса эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Институтининг муваффақиятли фаолияти мамлакатимизда юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштиришда катта

мизни теран ўрганиш ҳам юристлар олдига турган долзарб масала ҳисобланади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш миллий қонунчиликнинг халқаро-ҳуқуқий нормалар ва стандартларга мувофиқлигини таҳлил этиш, уларни мамлакатимиз қонунчилигига самарали равишда имплементация қилиниши жараёнларини тадқиқ қилиш ва тавсиялар таёрлашда ҳам самарали фаолият кўрсатишида барча фаол бўлиши лозим.

Давлат ва ҳуқуқ институтининг ташкил этилгани тимсолида олимлар жамоасининг катта орзуларидан бири ушалди. Бу, ўз навбатида, замонавий талаблар, илғор халқаро юридик тажриба ва меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида юқори малакали, ижодий фикрлайдиган, ҳалол кадрлар тайёрлашни таъминлаш имконини беради.



М. АХМЭДШАЕВА — юридик фанлар доктори, профессор:

— Давлатимиз раҳбари Фармони билан Давлат ва ҳуқуқ институтининг ташкил этилиши, ҳеч муболагасиз, жамоатчилик томонидан катта қувонч билан кутиб олинди. Ишонч билан айтиш мумкинки, янги институт давлатимиз юридик ҳаётида, аниққас, юридик фанни, хусусан, фундаментал юридик фанни ривожлантиришда, илмий кадрлар тайёрлашда катта роль ўйнайди.

Бу нуфузли илмий муассаса олдида қўйилган вазифаларнинг амалга оширилиши ҳуқуқий тизимимизни бугунги глобаллашув билан боғлиқ мураккаб жараёнлар ва чақирқиларга бардош берадиган замонавий ҳуқуқий ҳодисага айлантиришга қаратилган.

Миллий давлатчилигимиз генезисини чуқур ўрганиш, бу борада жаҳон илмий манбала-ридаги маълумотларни топиб,

таълимнинг самарадорлиги нисбатан пастлигича қолаётгани аниқ ҳақиқат. Буни юқори малакали мутахассис-ҳуқуқшуносларни тайёрлашда тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин.

Давлат ва ҳуқуқ институтининг ташкил этилгани тимсолида олимлар жамоасининг катта орзуларидан бири ушалди. Бу, ўз навбатида, замонавий талаблар, илғор халқаро юридик тажриба ва меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида юқори малакали, ижодий фикрлайдиган, ҳалол кадрлар тайёрлашни таъминлаш имконини беради.

Институт ўқитишнинг кредит-модуль тизимини ва талабалар билимини баҳолаш усуллари-ни такомиллаштириш, ўқув жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш ҳамда ўқув ба-засини модернизациялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Ушбу йўналишда IT-компаниялар билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш ҳам талаб этилади.

Хорижий тажриба асосида юридик соҳадаги диссертацияларга бўлган талабларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот мавзуларини янгидан шакллантириш зарур. Мазкур масала-ларни Кенгаш доирасида қайта кўриб чиқишга зарурат етилган.

Бундан буён қабул қилинаётган қонунлар, уларга киритила-ётган ўзгартириш ва қўшимча-

Олди-сотдиси нотариал тасдиқланмайди!

бу янги таҳрирдаги Фуқаролик кодексига ақс этган

Шунинг учун фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ишти-роқчиларининг қонуний ман-фаатларини самарали ҳимоя қилишга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларни барта-раф этиш муҳим аҳамият касб этади.

Амалдаги Фуқаролик ко-дексининг 404-моддасига то-варнинг қафолат мuddатини ҳисоблаш тартибини аниқ-лаштирувчи муҳим қўшимча ва ўзгартиришлар киритил-моқда. Масалан, амалиётда сотиб олинган товар қафолат мuddати чоғида аниқланган камчилиги ёки носозлиги сабабли сотувчи томонидан янги товарга алмаштириб бериладиган ҳолатлар кўп уч-

райди.

Шундай ҳолатларда шарт-номада бошқача тартиб на-зарда тутилган бўлмаса, қа-фолат мuddати янгидан ҳи-соблана бошланиши ҳақида қоида киритилмоқда. Шу би-лан бирга, ушбу модда сотув-чи қафолат мuddати давомий-да товарни жиддий таъмир-лаган бўлса, қафолат мuddа-ти таъмирланган товар қай-тарилган пайтдан бошлаб ян-гидан ўта бошлаши ҳақида-ги норма билан тўлдирил-моқда.

Олди-сотди муносабатла-рини тартибга солиш соҳа-сида янги киритилган қоида-лар тарафларнинг ҳуқуқ ва жавобгарлиги билан боғлиқ



айрим ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдирди. Бу борада келиб чиқадиган низолар ва улар-ни суд тартибда ҳал этиш-да вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни барта-раф этиш имконини беради.

Ҳозир амалда бўлган акса-рият моддаларда айрим тур-даги товарларни олиш-со-тиш билан боғлиқ баъзи жи-ҳатлар қонун ҳужжатлари би-лан тартибга солиниши бел-

рилган. Бундай тартиб кўп ҳолларда турли идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонуности ҳужжатларига мурожаат қилишни талаб қилиб, ушбу нормаларнинг самарали қўлланишига салбий таъсир кўрсатмоқда ҳамда ортқча маъмурий тўсиқлар пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Шу муносабат билан Фуқа-ролик кодексининг янги таҳ-

ририда ҳаволаки нормалар-ни қамайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яъни тегишли муносабат-лар қонун билан тартибга солиниши белгиланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, янги таҳрирдаги Фуқаро-лик кодексига олди-сотди муносабатлари ривожлан-ган хорижий давлатлар таж-рибаси ва халқаро мезон-лардан келиб чиқиб тако-миллаштирилмоқда. Булар-нинг барчаси, ўз навбатида, фуқаролик-ҳуқуқий муноса-батлар иштироқчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний ман-фаатларини самарали ҳи-моя қилишга қаратилган бў-либ, мамлакатимизда ҳуқуқий ва иқтисодий исло-хотларнинг янада натижа-дорлигига хизмат қилади.

Анвар ЭМИНОВ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти масъул ходими

Жиноят ва жазо

Нафрат ва қасд

фожиага доялик қилгани ҳақида

Ўтган йили 7 августдан — 8 августга ўтар кечаси самарқандлик эр турмуш ўртоғини тамағирлик ниятда шафқатсизлик билан қасддан ўлдиргани, сўнгра жиноятни яшириш мақсадида ўз уйига ўт қўйиб юборгани ҳақида совуқ хабар тарқалганди.

Яқинда ушбу жиноят иши сугда кўриб чиқилди. Сугланувчи С.Баҳромов (исм-шарифлар ўзгартирилган) Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "и", "ж" бандлари билан айбдор деб топилди, узоқ мuddат — ўн саккиз йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Мусибатли воқеа тафсилоти-ни қаламга олиш, ўзганин-г фожиали тақдирини элга дас-турхон қилиш одобдан эмас. Биз бунинг учун газетхонлар-дан узр сўраймиз.

Лекин масаланин-г бошқа огриқли ва муҳим жиҳати бор.

Яъни эшитган заҳотиёқ киши ақлини шошириб қўядиган, ву-жудни жунбушга келтирувчи ана шу қабиҳликнинг рўй бе-риш сабабларидан одамларни огоҳ этишдир.

(Давоми 4-бетда) ▶

Э Ў Л О Н

Суд тизимида амалга оширилаётган суд-хуқуқ ислохотларини оммавий ахборот воситаларида ёритилишини янада такомиллаштириш мақсадида Олий суд томонидан ҳар йили ўтказиб келинаётган "Адолат — қонун устуворлигида" деб номланган республика кўрик-танловнинг якуний тадбирини 2021 йилнинг I чораги охирига қолдирилгани маълум қилинади.

Бугунги кунда гиёҳвандлик воситалари ёки психотрон моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон ҳамжамиятини ҳам жиддий таъшишга солаётган глобал муаммолар сирасига киради. Бу иллат инсон саломатлигига путур етказибгина қолмай, оилалар ҳаётини издан чиқаради, жамият барқарорлигига ҳам жиддий хавф туғдириш баробарида, турли жиноятларнинг ҳам келиб чиқишига йўл очади.

Гиёҳвандлик — аср вабоси

«Ҳаммастак»ларнинг ушалмаган «орзу»си



Мамлакатимизда гиёҳвандлик балосига қарши курашишни мустақкам ҳуқуқий асослари яратилган. Хусусан, Жиноят кодексига гиёҳвандлик воситалари ва психотрон воситалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш оғир ва ўта оғир жиноятлар туркумига киритилган бўлиб, уларни содир этганлик учун қатъий жавобгарлик белгиланган.

Шунингдек, бу турдаги жиноятларни содир этган, гиёҳвандликка муқаддам кетган кимсаларга нисбатан мажбурий тартибда даволаш чоралари ҳам қўлланилади.

Шунга қарамай, орамизда бойлик ортириши илинжида оғурурушликдек нопок йўлни танлаган кимсалар ҳам учраб туради.

Шу ўринда фикримизни ҳаётини мисоллар ёрдамида давом эттирамиз. Шаҳрисабзлик Маҳмуд Алиқулов жиноий шериги Баҳодир Мирзаев (исм-шарифлар ўзгартирилган)нинг "кўрсатма"си билан уйда наша ўсимлигини етиштиради. Ҳамтовокларнинг бундан кўзлаган фарз мақсади оғурурушликдек чиркин "қасб" ортидан мўмай даромад ортириш эди.

Айтиш керакки, "ҳаммаслақ"ларнинг бири Баҳодир Мирзаев муқаддам жиноий қилмишлари учун икки марта жиноий жавобгарликка тортилган. Бироқ "ўрганган кўнгил ўртанса кўймас" деганларидек, ёши бир жойга бориб қолган, қолаверса, катта оиланинг бошлиғи бўлган бу кимсалар қилмишларининг "миси" чиқишини ўйлаб ҳам ўтирмай, тубанлик йўлини танлашди.

Маҳмуд захри қотил "пишиб", маромига етгач, жиноий шериги Баҳодир Мирзаевни уйига қаққариб, унга бу ҳақда секин оғиз очди: — "Дори" сиз айтгандек, обдон етилди. Агар яқин танишларингиз бўлса, нашани пуллаш йўлини қидиравишимиз керак. Яқини нахр қўйиб, майдалаб ўтказасак, иккаламиз ҳам бир нарсалик бўлиб қоламиз.

Маҳмуддан бу "хушхабар", "ни эшитган Баҳодир" "харидор" топшига ваъда берди.

Халқимиз ҳақиқат эғлида, бухлада, бироқ сиймайди, деб бежизга айтмайди.

Тахминий фаразлар, қарама-қарши гувоҳликлар билан сугда шахсни айблаб бўлмайди. Навбатдаги суг мажлисида илгару сугланган шахснинг аслида айби йўқ экани маълум бўлди.

Маълум бўлишича, Тошкент вилоятининг Пскент тумани ИИБга қарашли ЕХБ бошлиғи лавозимда ишлаб келаётган Б.Шоматов 2013 йилнинг 14 августдан 23 август кунига қадар "Пскент пахта тазалаш заводи" очик ақзиядорлик жамиятига қарашли "Муротали" ва "Керовчи" тайёрлов масканида бажарилган капитал таъмирлаш ишларида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинганлиги ҳолатларини текширишдан ўтказган. Дастлабки тергов органи томонидан унга ёнгин хавфсизлиги бўйича кўрилган

чоралар ҳақида тузилган далолатномаларга сохта маълумотлар киритиб, тасдиқлаб бериш эвазига чойхонада оқватлангани учун 170000 сўмни "Пскент пахта тазалаш заводи" ишчиси А.Маҳмудовга пара тариқасида тўлаттирган ва 200 минг сўм пара олган деган айб қўйилган.

Биринчи инстанция суди ушбу айблов асосида Б.Шоматовни Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми "б" банди ва 209-моддаси 2-қисми "а" бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганида айбдор деб топади. Суд ҳукмидан норози бўлган Б.Шоматов юқори инстанция судига муурожаат қилди.

Б.Шоматовнинг ариза-зи жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг кассация инстанциясида кўриб чи-

Оқлов

Адолат тантанаси

кўнгишларга ишонч ва ёруғлик олиб кирди



қилди. Суд мажлисида маълум бўлдики, Б.Шоматовни айблаш учун бирор-бир асос ёки далил мавжуд эмас.

Амалдаги қонун талабига қура, шахсга айб эълон қилишга фақатгина объектив далиллар мажмуғина асос бўлиши мумкин. Бунда далиллар доирасини пара берувчи ва у билан боғлиқ шахсларнинг кўрсат-

малари ҳамда айбга иқроорлик кўрсатмалар билан чегараланиб қолмаслиги шарт. Шахсни айблаш учун пара предметининг олиниши, қонунлар билан белгиланган тартибда почта-телеграф ва электрон жўнатмалари, аудио ёки видеоёзувлар, телефон ёки бошқа мосламалар орқали амалга оширилган сўзлашувлар аниқла-

ниши каби аниқ мезонлар билан асослантирилиши лозим. Бироқ жиноят иши ҳужжатларида ана шундай объектив далиллар бўлмаса-да, Б.Шоматов айбдор деб топилган.

Кассация инстанцияси суд мажлисида Б.Шоматов ўзига қўйилган айбловга иқроор бўлмай, айби йўқлигини, унга нисбатан тергов

олиб борилаётган вақтда "биз кўрсатгандай тушунтириш хати ёзасан", деб тазийқ ўтказилганини, ҳеч қачон А.Маҳмудовдан 200.000 сўм пара олганини айтиди. Тергов вақтида А.Маҳмудов билан юзлашганда у чойхонада ўтирганида "овкат пулини Б.Шоматовнинг ўз тўлаб кетди", деб айтгани, кейин тазийқ остида "200.000 сўм пул берганман", деб ёзиб берганини баён қилди. Суд мажлисида гувоҳ Абдуғаффор Маҳмудов ҳам аслида бу ҳолатлар умуман рўй бермагани ва тазийқ тўлаб олиниши ҳақида баён қилди. Суд мажлисида гувоҳ Абдуғаффор Маҳмудов ҳам аслида бу ҳолатлар умуман рўй бермагани ва тазийқ тўлаб олиниши ҳақида баён қилди.

Нихоят, адолат қарор топди. Ноҳақ айланган ички ишлар ходими оқланди. Адолатнинг қарор топиши шахснинг бузилган ҳуқуқларини тиклаши баробарида фуқароларнинг суд идораларида бўлган ишончини янада ортириши шубҳасиз.

Дилшод ИЗЗАТОВ, Тошкент вилояти судининг судьяси

«Бошланиши 3-бетда»

"Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади" деган нақлни халқимиз хўп топиб айтган. Бундай оғир фожиадан, унинг келиб чиқиш сабаби-ю, оқибатидан одамларни воқиф этмаслик жамиятига қарашли "Муротали" ва "Керовчи" тайёрлов масканида бажарилган капитал таъмирлаш ишларида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинганлиги ҳолатларини текширишдан ўтказган. Дастлабки тергов органи томонидан унга ёнгин хавфсизлиги бўйича кўрилган

Негаки, бир аёлнинг ҳаёти бевақат ҳазон бўлгани, эр узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилгани, оила аталмиш кўрғон буткул туғаб кетгани ҳар биримизни ҳаётга очик кўз билан қараб, ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундайди.

Муҳдиш қотиллик содир этилгани судга оид тиббиёт экспертизасининг ҳулосасида аниқ кўрсатилган. Марҳума Ҳ.Баҳромованинг ўлими ўткир ташқи қон йўқотиши билан кечган.

Кўпни кўрган кексаларимиз ёш оилаларда ўзаро келишмовчилик келиб чиққанида "Сув бир-ички лойқаланиб, кейин тинади" дейишади. Бироқ Салим билан Ҳалима бундан ўттиз икки йил аввал — 1988 йилнинг 8 апрелида яхши умидлар билан бир ёстиққа бош қўйганди. Бировдан олдин, бировдан кейин дегандай яхши яшашаётганди.

Турмушлари давомида 1989 йилда қизи Шалолани, 1992 йилда ўғли Фурқат дунёга келди. Фарзанд — эр-хотин ўртасидаги узилмас ришта. Болаларнинг шодон кулгиси сабаб ота-она кўнглида эзгу истаклар куртак ёзади, ҳаётга ва келгуси орзу-умидлар рўй-бига рағбат уйғонади.

Фурқат дунёга келгач, бобоси Салимни ҳузурига қаққирган. Мақсади ўзининг Самарқанд шаҳар Урта Хўжасоат кўчасидаги ҳовлисини унга ҳада қилиш экан. Бобоси Салимнинг номига ҳада шартномаси асосида уйини ўтказиб ҳам беради.

1992 йилда, яъни бобосининг вафотидан сўнг Салим оиласи билан ўша ҳовлига кўчиб ўтади. Бу орада Салимнинг ота-онаси ҳам бандаликни бажо келтиришади. Энди укаси ва сингиллари ҳолидан хабар олиш Салимнинг зиммасига тушади.

Ҳада қилинган уй бирмунча эскирган, янгинини барпо этишга зарурат туғилаётган эди. Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси оддий ишчиси С.Баҳромовнинг ҳадеганда ҳовлида янги уй барпо этишга қўли калталиқ қилди. Яна бир томони у укаси ва сингилларининг моддий аҳолидан ҳам хабардор бўлиб туриши керак эди.

Дастлабки йиллари ҳада қилинган ҳовли-жойда эр-хотин аҳил яшаган. Салим фабрикадаги ишини ўзгартирган, сартарошлик қила бошлаган. Ҳалима эса, тикувчилик билан шуғулланарди.

Кейинчалик эса, Ҳалиманинг отаси билан ака-укаси ёрдамида ҳовлининг дарвозахонадан қирилганига ун томонига яшаш уйлари янгидан барпо этилади. Жиноят иши материалларидан маълум бўлишича, шундан сўнг Ҳалима турмуш ўртоғи С.Баҳромовни оила бошлиғи сифатида ҳурматини ўрнига қўймай, ўртада пул сабаб жанжал чиқа бошлайди.

Судда судланувчи ва гувоҳларнинг берган кўргазмасига қараганда, 2001 йилда Ҳалима Салимдан рўзгор харажатларига пул сўраган. Бу Салимга оғир ботган, ўртада жанжал чиққан. Ақлини жиловлай олмаган Салим Ҳалимани ошхона пичоғи билан

бир-бирларини кўришга кўзлари йўқ, гина-қудратли ота-она эса, бир ҳовлида алоҳида-алоҳида яшашаётганди. Ўртадаги уруш-жанжал туғай демасди. Ўшанда 2019 йилнинг март ойи эди. Салим Ҳалимага уйнинг тенг ярмини бўлиб олиш таклифини айтиди.

— Сенинг бу уйда умуман ҳақинг йўқ, — деб жавоб қилади Ҳалима, — уйни менинг ака-укаларим қурган.

Шундан сўнг муҳдиш қотиллик юз берган кунга қадар Салим ҳовлидан оёғини узади. Укаси ва сингилларининг уйда яшаб юради.

— Ҳодиса содир бўлишидан беш кунча аввал Салим акам би-

Ҳалима жон талвасасида эрини итариб юбориб, дарвозахона томон югради. Ортидан қувлаб Салим қўлидаги чопки билан аёлнинг бош қисмига кетмакет уради.

Бошидан қон отилаётган аёл ерга йиқилади. У эридан фарзандларини ўйлашни, ўлдирмасликни ёлвориб сўрайди. Салим эса, бақириб, қўшилларини ёрдамга қаққирмаслиғи учун Ҳалиманинг бўйнидан бўғади, оғзини қўли билан ёпиб туради.

Ҳалима секин-аста ҳушини йўқота бошлаганди. Салим эса, қўнғидаги уяли телефонини чиқариб, ўзи билан сартарошхонада ишловчи ҳамкасби Р.Ҳусановга кўнғироқ қилади: "Раҳма-

зиқмасди, харажатларимиз учун пул бермасди. Онам шунинг учун хорижа ишга борган, укамни ҳам ўша ёққа ишга жойлаштириб келган эди.

Жабранувчи Шалолани Баҳромовга даъвоси борлигини айтиб, унга нисбатан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни сўради.

Сўз билан ифодалашга тил ожиз. Наҳотки, фарзанд отасига нисбатан шундай оғир жазо беришни талаб қилса?

Суд ҳаёти дастлабки тергов органи томонидан судланувчи С.Баҳромовга қўйилган айбловларни муҳокама қилиб, уни ўта шафқатсизлик билан тамагирик ниятида Ҳ.Баҳромовани қасдан ўлдирганликда ифодаланган ҳаракатлари Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "ж", "и" бандлари билан тўри малакаланган деб ҳисоблади.

Негаки, иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга қура, судланувчи С.Баҳромов марҳума турмуш ўртоғи Ҳ.Баҳромовга билан Самарқанд шаҳри, Урта Хўжасоат кўчасидаги бир-галикдаги мулки бўлган уй юзасидан ўзаро келишмовчиликлар натижасида ушбу хонадон ўзига қолиши мақсадида турмуш ўртоғини тамагирик ниятида қасдан ўлдирганлиги тўлиқ ўз исботини топди.

Шоҳиди бўлганингиздек, нафрат ва қасд ўта оғир фожиага олиб келди. Ўзаро келишмовчилик, оилавий низо С.Баҳромовда турмуш ўртоғига нисбатан адоватни авж олдириди.

Охир-оқибат бир аёл ҳаёти ҳазонга айланди, оқибатсиз эр, меҳрсиз ота узоқ муддатга темир панжара ортига равона бўлди. Оила аталмиш бир кўрғон шу тариха қалади.

Бу фожианинг туб моҳиятини идрок қилиш асосида киши кўнглидан туйқус шундай фикрлар кечади: Биз одамлар нега атрофимиздагиларга нисбатан бунчалик эътиборсизми? Салим билан Ҳалиманинг яшаш тугумини уларнинг яқинлари, қўни-қўшни, маҳалла оқсоқоллари билмаслиғи мумкинми?

Истаймизми-истаймаймизми, ҳар бир маҳаллада оилавий муҳити ёмон, ўзаро низолаб сабаб жар ёқасига қелиб қолган оилалар учрайди. Нотинч оиладаги ўзаро келишмовчиликларга маҳалла-қўй, яқинлар аралашиб, вақтида низога барҳам берилмас экан, ниҳояси юқоридаги сингари фожиага айланмаслигига ҳеч ким қафил бўлмайди. Шундай эмасми?!

Фаррух САМАТОВ, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьяси Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, "Куч — адолатда" мухбири

Жиноят ва жазо

Нафрат ва қасд

фожиага доялик қилгани ҳақида



жароҳатлаган.

С.Баҳромовнинг жиноий қилмиши учун тергов ҳаракатлари олиб борилган. Жиноят ишлари бўйича Самарқанд тумани суди ҳукми билан С.Баҳромовга ўн йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Ҳалима зора энди кўзи очилган бўлса, деган фикрда, яна бир томони фарзандларини ўйлаб, турмуш ўртоғига нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида судга муурожаат этади. Шундан сўнг Самарқанд вилояти суди апелляция судлов ҳайъати ажрими билан С.Баҳромовга биринчи босқич суди томонидан тайинланган жазо беш йил муддатга келтирилади. Шунингдек, амнистия актига асосан 2001 йил 27 сентябрь кун С.Баҳромов жазонини ўташдан озод қилинади.

Аммо Салим олти ой қамоқда ўтириб, тавбасига таянмаган экан. Эр-хотин бир ҳовлида яшашса-да, лекин алоҳида-алоҳида уйда туришарди. Болаларнинг бўйи чўзилиб қолгани, харажатлар ортаётганидан Ҳ.Баҳромовга хорижа — Россияга пул топиш учун ишга кетади.

Орадан бироз вақт ўтгач, Ҳалима ўғли Фурқатни ўша ёққа қаққариб, уни ишга жойлаштиради ва ўзи яна Самарқандга қайтиб келади. 2016 йилда қизлари Шалолани Қашқадарё вилоятига турмушга узатишади.

Фурқат хорижда ишлаб юрар.

лан гаплашиб ўтиргандик, — дейди судда гувоҳ Ш.Баҳромов. — Шунда акам уйда ҳақинг йўқ, деб янгам киришга қўймаётганидан нолиди. Жонимга тегиб кетди, уни ўлдирмаган, деганди ўшанда.

Бу гапни эшитган ука ўртада болалари борлигини айтиб, акасини қалтириб йўлдан қайтаришга уринган. Яна у: "Акам бундай гапни шунчаки аччиғи келганидан айтди-қўйди-да", деб кўнғулидан кечирган. Бошқа бу ҳақда гапирмаган.

Салим ўша жиноий ҳодиса юз берган кун тунда укаси Шерматнинг хонадонига эди. Кеч соат йигирма учларгача ўтириб, сўнгра укасининг уйидан чиққан. Ўзининг номидидаги уйга келса, уй чирокларни ўчиқ экан. Чўнтагидаги қалит билан дарвозани очиб, ичкарига киради. Темирдан ишланган ўткир чопқини олиб, ҳовлида турмуш ўртоғи Ҳ.Баҳромовнинг келишини кутиб ўтиради.

Тахминан соат ўн иккиларда турмуш ўртоғи ҳовлига кириб келади. У дарвозахонадан тўғри ҳаммомга чўмилишга кириб кетади. Салим эса, унинг ҳаммомдан чиқишини кутиб турганди. Аёл ичкаридан чиқа туриб, ашик олдида қутилмаганда Салимга кўзи тушган, кўрққанидан бақириб юборади.

Нафрат ва қасд ўтида кўзлари қонга тўлган Салим ўткир чопки билан унинг кўлига уради.

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ, Робохон МАХМУДОВА, Икрам МУСЛИМОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Бахтиёр ИСАКОВ, Светлана АРТИКОВА

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Нодирбек САЛАЕВ, Замира ЭСОНОВА, Олим ҲАЙИТОВ, Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:

Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй. Манзиллари: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй. Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54. E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Нашр индекси: яқна тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575. Буюртма: Г-115 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7362. 1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 23⁴⁵.